



1-2 (69-70)-son
2019-yil, yanvar-fevral

ИМОДИЙ ПАРВОЗ

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat institutining ma’naviy-ma’rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

Ҳар йили февраль ойида икки улуг шахс – Алишер Навоий ва Захиридин Муҳаммад Бобур ўзбек халқининг алоҳида дикқат марказида бўлади. Навоий шахсияти беш асрдан бери дунё ахлини ҳайратта солиб келади. У бутун асрларни ўзига тобе қилган мутафаккир шоир сифатида дунё адабиётининг пешқадам вакилларидан бири.

Руҳи қудусу Файзи нишон улуғлар

Навоий қолдирган мерос бугунги кунда дунёнинг ҳамма ўлкаларига етиб борган десак муболага бўлмайди. АҚШнинг Мэн штатидаги ресторонлардан бирининг деворига Навоининг қуйидаги байти ёзиб кўйилган экан:

*Оlam aҳли билингизким, иши эмас
душманлиг,*

*Ёр ўлунг бир-бирингизгаким эрур ёр-
лиг иши.*

Шубҳасиз, Навоининг номини бу қадар оламшумул қилган омил – асарларининг мазмuni, моҳияти ва мақсадидir. Фиёсiddин Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида ёзганидай, улуғлар яхши номни иккинчи умр деб атаганлар. Зотан, Навоининг эзгу номи унинг асарлари билан бир қаторда, шахсиятига ҳам боғланади. Буюк мутафаккирнинг ҳар бир асарида ИНСОН ва унинг манфаати, қадри бош ўрин тутади. Навоининг карашича, олам жуда гўзал қилиб яратилган. Бундан мақсад – ИНСОН бўлиб, у ер юзидағи барча мавжудотлар ичидаги тенги йўқ бир хилкатdir. У ҳар бир асарида инсон камолотига алоҳида дикқат қаратар экан, асарлари элга манзур бўлишини истайди. Ижодкорнинг асари агар элга манзур бўлмаса, ижодкорнинг маънавий таназзулиди. Навоий “Хамса” асарини тутатганда, “улус кўнгли они қабул айласин”, деган мақсадни ўз олдига кўйган эди. Фақат “Хамса” эмас, ҳамма асарларида ҳам “эл кўнгли”ни, инсонияти назарда тутди. Унинг асарлари нафакат эл кўнглини, балки жаҳон ахлиниң кўнглини забт айлади. Бу жихатдан айниқса, “Ҳайрат-ул-абор” ва “Лисон ут-тайр” асарлари шу мақсад йўлида амалга оширилган теран тафаккур маҳсулиди.

Навоий “Хамса” асарини ёзиб тамомлагандан кейин, “Лисон ут-тайр”ни ёзди. Асардаги бир қатор ҳикоятлар орқали ҳаётда учрайдиган турли тоифаларнинг киёфасини, феълатворини чизади. Китобхонни ҳикоят мазмунидан ва қаҳрамонларидан сабоқ олишга ундейди. Мақсад – инсонлар ёмон иллатлардан ҳалос бўлиб, комиллик йўлига боғланиснлар. Зотан, жамиятнинг маънавий соғломлиги ана шундай комил инсонларга кўп жихатдан боғлиқ эканини Навоий ҳамма асарларида, айниқса, “Ҳайрат ул-абор” достонида батағсил баён килади.

Навоий асардаги ҳар бир ҳикоятдан битта сабоқ чиқаради ва инсонларни ёмон иллатлардан кутулишга даъват килади. Инсоннинг ёмон йўлдан юришига шайтон эмас, нафс сабабидir. Нафс шундай бир балоки, унинг олдида ҳатто юзта шайтон ҳам ип еча олмайди:

*Нафсинг онча кўргузур талбисни,
Ким қилур шарманда юз иблисни.*

Бу ўринда муҳим ахлоқий муаммо – нафсни тия олмаслик муаммосига ургу берилган ва инсон томонидан содир бўладиган турли гуноҳларга шайтонни сабаб қилиб кўрсатиш инсоннинг тубан иллатларидан экани баён қилинган.

Захиридин Муҳаммад Бобур Ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адаб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамdir. Бобур кенг дунёкараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида номи қолган бўлса, «Бобурнома» асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари каторидан ҳам жой олди. Тарихчилар, олимлар ва адабиётшунослар томонидан шоҳ ва



шоир шахсиятига хос қуйидаги етти фазилат доимо этироф этиб келинган: ватанпарварлик, юксак ҳимматлилик, жасурлик, бошқарувда беназирлик, жангчилар кўнглига йўл топиш ва адолат қилмоқлик. Зотан, бу фазилатлар Амир Темурдан Бобурга мерос бўлиб ўтган.

Бобурдан жуда кўплаб илмий, адабий мерос қолган. У лирик шеърлари ва тарихий «Бобурнома»сидан ташқари, ислом конуншунослиги ва бошқа соҳаларда ҳам қатор асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Хумоюнга атаб ёзган «Мубайин» номли асарида ўша замон солиқ тизимини, солиқ йигишининг конун-коидаларини, шариат бўйича кимдан канча солиқ олиниши ва бошқа масалаларни назмда изоҳлаб берган. «Ҳатти Бобурий» деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий



тиллар, хусусан, ўзбек тили нуқтаи назаридан бирмунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У, тажриба сифатида «Ҳатти Бобурий» алифбосида Куръони Каримни кўчирган.

Бобур ижоди – шеърияти ҳам, диний-маърифий асарлари ҳам, айниқса, “Бобурнома” асари ҳам ўзбек адабиётини Европа ва Шарқ оламига танитди. Бобурнинг ҳар томонлама қобилияти борлигини кўрсатадиган асари ана шу “Бобурнома”дир. Бобур қачондан бошлаб шеър ёзишини бошлагани ҳақида ҳам шу асарида айтади. Бобур 1502 йил воқеаларини баён килар экан, авваллари бир-икки байт шеър битиб юрганини ва биринчи тугал ғазалини ана шу йили битганини айтади. У биринчи ғазалининг биринчи қуйидаги байтини келтиради:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор
топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор
топмадим.*

Бобур бу ғазалини ёзган пайтда 19 ёшда эди. Бобур бу асарида ёзишича, тахминан Хўжанд атрофларида юрган эди.

Бобурнинг ўз юритида – яни Ўзбекистонда машҳурлиги аён ҳақиқат. Шуниси дикқатга сазоворки, Бобурнинг ижоди XVIII асрда Европада машҳур бўлганини бир қатор кўлёзмалар далиллайди. Жумладан, 1714 йили “Бобурнома”ни немис олими Кер ўз қўли билан кўчиргани ва унинг бир қисмини лотин тилига таржима қилгани маълум. Албатта, “Бобурнома” ёзилган эски ўзбек тилини Кер ўрганишга ҳаракат қилган. Гарчи айrim ўринларда хатоларга йўл кўйган бўлса ҳам, таржимани вижданан бажаргани айrim ўринларда қолдирган белгиларидан англаш мумкин. Керни айrim замондошлари “Шарқ илмини ҳамма нарсадан юқори кўйган гаройиб одам” деб таъриф берган эдилар. Аммо Кер Россияга келиб, шарқшунослик фанининг шаклланишига катта хисса кўшган эди. У асосан, “Бобурнома”ни таржима қилиш ишлари билан Россияда катта обрў-этибор қозонди.

Яна бир немис олими Клапрот Бобур ижоди билан қизиқди. У “Бобурнома”нинг Фарғона таърифига оид қисмини таржима қилди. Мана шу “Бобурнома”нинг бир парчаси, бир томондан, ўзбек халқининг маънавий мулкини Европага танитди, иккинчи томондан, шарқшунослик фанининг шаклланишига ва тараққиётига катта хисса кўшди. Бобур ижоди дунё миқёсидаги шарқшунос олимлар етишувига хизмат қилди.

1824 йилда О.И.Сенковский ҳам “Бобурнома”нинг айрим парчаларини таржима килгани маълум.

Шуниси дикқатга сазоворки, XIX асрнинг 80-йилларида Россияда эндиғина ташкил этилган Шарқ факультетларида шарқ фанларини ўқитиш ва имтиҳон топшириш учун дастурлар тузилганди, кўпроқ Навоининг “Хамса”сидан ва Бобурнинг ижодидан парчалар олинган. Бу далил ҳам ўзбек адабиётининг икки буюк вакилига катта эътибор эди. Бундан сал олдинрок профессор Лазарев Шарқ тилларини Олий таълим тизимида ўқитиш учун материал сифатида “Бобурнома”дан, Абулғозининг “Шажараи турк”идан, Яссавий ҳикматларидан фойдалангани ҳақида аник ҳужжатлар мавжуд. 1857 йили рус олими Илминский “Бобурнома”ни тўлиқ ҳолда чоп эттириди ва Бобурнинг шухратига катта хисса кўшди.

Биз айрим маълумотларни келтиридик, холос. Навоий ва Бобур ижоди Россия ва Европа таълим тизими шаклланишига катта материал берди, шарқшунослар ҳеч қандай сиёsat нуқтаи назаридан эмас, балки бу икки буюк ўзбек шоирининг ижоди олдида таъзим қилган ҳолда, ўз тилларидаги маънавий бўшлиқни тўлдириш, Навоий ва Бобурдай буюк даҳолар Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон ўлкасида азалдан истикомат қилиб келаётган ўзбек халқининг фарзандлари эканини бошқа халқларга етказиш учун ҳам уларнинг асарларига кўп мурожаат этдилар, асарларини европа ва рус тилларига таржима қилиб, кенг оммага етказдилар, эски ўзбек тилига муҳабbat кўйган ва бу борада тадқиқотлар олиб боришни ният қилган мутахассислар тайёрлашга, дарслклар ва ўкув қўлланмалари учун материал сифатида унумли фойдаландилар.

«...У турли фазилатлар билан безантган ва мақтовли хислатларга эга бўлган бир подшоҳ эди. Ушбу барча фазилатларидан шижаот ва муруввати устун турарди. Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур ёзган даражада ёзган эмас» деб ёзган эди XVI асрда яшаган Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида.

Насимхон РАҲМОНОВ
**Филология фанлари доктори,
профессор**

Талантливый учёный, профессор, кандидат педагогических наук, член Театрального Общества Узбекистана, человек удивительно высокой культуры, обаяния и скромности Адиба Мансуровна Насырова, многие годы своей педагогической деятельности посвятила студенческой молодежи в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана на факультете «Искусство театра». На кафедре «Сценической речи» она читала лекции по предметам «Мастерство сценической речи» и «Мастерство ведущего», уделяя процессу обучения и воспитания большое внимание.

Адиба Насырова 4 февраля, выросла в Ташкенте в интеллигентной семье. Отец служил на железной дороге, в свободное от работы время играл на дутаре узбекские народные песни. Мать – педагог узбекского языка и литературы, способствовала гуманитарному развитию дочери. С детских лет Адиба зачитывалась произведениями Алишера Навои, Зульфии, Камиля Яшена, Шекспира, Теодора Драйзера, Джека Лондона, Лопе де Вега, Рабиндрраната Тагора, Александра Пушкина, Льва Толстого, Сергея Есенина и многих других писателей и поэтов.

Будучи учащейся школы Адиба стремилась чаще посещать театр, представляя себя актрисой. Она неоднократно приходила к зданию Ташкентского театрального института имени Островского. Её сердце замирало,

когда видела знаменитых актёров, педагогов этого вуза. Окончив среднюю школу, она стала студенткой этого института, мечта осуществилась. Родители одобрили выбор дочери и поддержали её стремление к театральному искусству.

Испытывая жажду познания, Адиба Насырова с интересом посещала занятия народной артистки Узбекистана, профессора Назиры Алиевой, обучавшей её азбуке сценической речи. Студентка углублённо изучала труды К.С.Станиславского, осваивая технологию сценической речи. Большое влияние на становление личности А.Насыровой оказала заслуженный деятель искусств Узбекистана Лола Аззамовна Ходжаева, которая открыла ей мир зарубежной драматургии. От своих педагогов А.Насырова впитала в себя сценическую культуру, артистизм, чёткость правильного

литературного произношения, без которых актриса не может состояться.

После окончания института, А.Насырова стала актрисой Театра юного зрителя, на сцене которого она создала ряд ярких, запоминающихся образов. Из множества ролей можно упомянуть такие творческие удачии актрисы, как: роль Дилбар в «Али-Вали» Л.Махмудова, роль Тугрон в «Абай-эл фарзанди» А.Кунанбаева, роль Анжелики в «Мехрибонлар» Али Жамол, роль Татьяны в «Как закалась сталь» Н.А.Островского.

С 1974 года Адиба Мансуровна начала педагогическую работу в Ташкентском государственном институте культуры имени А.Кадыри на факультете «Народное творчество» на кафедре «Режиссура». Цели своих творческих интересов Адиба Мансуровна Насырова сконцентрировала в кандидатской диссертации «Педагогические возможности развития игровой культуры личности в условиях праздничного досуга», которую успешно

защитила в Ташкенте в 1995 году.

Адиба Насырова автор монографии, ряда научно-методических трудов, статей в республиканских и зарубежных изданиях, журналах, газетах. Неоднократно выступала на радио Узбекистана, в телевизионных передачах на канале «Ёшлар». Важное научное и практическое значение постановки сценического искусства имеет труд «Сахнанутки» А.Насыровой, занявший Первое место на Республиканском конкурсе учебников и учебных пособий в 2014 году. Вдохновлённая этой победой Адиба Мансуровна с еще большим энтузиазмом стала разрабатывать новые темы, методику совершенствования сценической речи.

Адиба Мансуровна Насырова останется с нами навсегда – в учениках, ролях, в научных трудах, в нашей памяти и сердцах

Татьяна СЕДЫХ,
доктор ГИИКУз кафедры
«Музыкально-теоретических
дисциплин»

АЛИШЕР НАВОЙ

Мени мен истаган ўз сұхбатига арқынанда эттас,
Мени истар кишининг сұхбатин күнглим писанд эттас.

Не баҳра топқомен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраманд эттас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул заҳр чаим айлаб ниҳон, бу нўшханд эттас.

Керакмас ой ила кун шаклики, ҳусну малоҳатдин,
Ишим ул чок-чок эттас, таним ул банд-банд эттас.

Керак ўз чобуки мајнунваси қотил шиоримким,
Бузуг күнглимин ўзга ерга жавлони саманд эттас.

Қўнгул ўз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунга каманд эттас.

Ул ой ўтлуг юзун очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд эттас.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз туттма ондин яхшилиг.

Бу замонни нағъи қилсан айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиг.


Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиг.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиг асрү кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ёмондин яхшилиг.

Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.

Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov o'zining
“Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch” kitobining
“Eng buyuk jasorat” deya nomlagan
so'nggi qismida shunday deydi:
“Ko'pchilik qatorida, faqat vaziyat taqazo etgan
taqdirda maydonga otlib chiqish, qahramonlik ko'rsatish-
albatta, bu ham oson emas. Buning uchun ham insonda katta yurak,
g'ayrat-shijoat, eng muhim, o'ziga, o'zining kuch-qudratiga
mustahkam ishonch bo'lishi kerak”.



BUYUK JASORAT SOHIBI

Ha, Islom Karimov o'zi ta'kidlagandek
katta yurak sohibi, g'ayrat-shijoat egasi va
o'ziga bo'lgan ishonchi mustahkam bo'lgan
inson edi.

U bir umr el-yurt uchun, xalq uchun
yonib yashagan va jon fido qilgan matonat
egasi.

Xalqimizning boshiga og'ir kunlar raxna
solib turgan bir paytda Islom Karimov o'z
jonini, hayotini xatarga qo'yib bo'lsa-da,
xalqi uchun qahramonlik ko'rsatadi.

Necha yillar qaram bo'lib kelgan xalqqa
mustaqillik atalmish ulug' ne'matni hadya
etgan bu inson, insonlarda o'z-o'ziga
bo'lgan ishonchni orttiradi, kelajak uchun
harakat qilishga undaydi.

Shuning uchun ham Islom Karimov
suveren va mustaqil O'zbekistonni barpo
etish, xalqparvar demokratik-huquqiy
davlat yaratish, fuqarolar tinchligi va milliy
totuvlikni ta'minlash ishiga qo'shgan ulkan

hissasi uchun “O'zbekiston Qahramoni”
unvoni, “Mustaqillik” va “Amir Temur”
ordenlari bilan taqdirlangan.

Madaniyat, san'at, sport kabi turli xil
sohalarni rivojlantirib, yoshlari uchun
keng imkoniyatlar yaratib berdi. Keng
tadbirkorlikni yo'lga qo'yib, iqtisodiyotni
rivojlantirdi. Quroli kuchlarimiz qudratini
oshirib, milliy armiyamizni modernizatsiya
qilish jarayonlarini yanada chuqurlashtirdi.

Mana bugun biz Islom Karimov ta-
valludini 81 yilligini nishonlar ekanmiz,
bobomizga munosib avlod bo'lishga, ulardan
bizga meros bo'lib qolgan mustaqil Vatanni
asrab-avaylash asosiy burchimiz ekanini
unutmasligimiz kerak.

Nigina KARIMOVA,
“Teatrshunoslik” yo'nalishi
3-bosqich talabasi



ASRLARNI O'YLATGAN ASARLAR

yaratilgan ko'plab sharoit va behisob ne'matlar
haqida uzoq o'yladim. Tinchlik juda ulug' ne'mat
ekanligi, inson har qanday qadriyatdan ulug'roq
qadriyat ekanligini angladim...

Xolid Husayniy asarlarining muvaffaqiyatlari
jihat - bari yaxshilik bilan tugashida. Kitobxon ana
shu yorug' kunlarni, yaxshi kunlarni kutib o'qiydi.
Qahramonlar qanchalik sinovlarda toblanmasin,
yengilmaydilar, metin irodasi bilan maqsadga yetadi-
lar. Bu esa bizga, albatta, bugungi arzimas muam-
molarni hal qilishda turtki bo'lsa, ajabmas.

Mohidil ESONBOYEVA,
Kino televide niye va radio san'ati fakulteti
3-bosqich talabasi

Mashhur afg'on adibi Xolid Husayniy
“Shamol ortidan yugurib”, “Tog'lar ham
sado berdi”, “Ming quyosh shu'lesi”
kabi asarlari bilan dunyo kitobxonlari
ko'nglini zabit etgan olamshumul adib-
dir. Yozuvchi asarlarining tili ravon, syu-
jet va kompozitsiya jihatdan ham sodda
yaratilgan. Ammo mazkur asarlarda adib
iztirob chekayotgan, o'z mohiyati haqida
o'ylayotgan va tobora yemirilib borayot-

gan qadriyatlar haqida
kuyunib yozadi.

U asrimiz kishisi
muammolarini, urush-
lar va uning inson qal-
biga ta'siri, millatlar,
turfa e'tiqodlar o'rta-
sidagi nizolar, olam
va odam dunyosi fo-
jialari haqida hikoya
qiladi.

Ochig'i, Xolid Hu-
sayniyning asarlarini
o'qib, tinch va osoy-
ishta Vatanimiz, bizga


Яхши инсон яхшилик қиласи, ёмон киши ёмонлик. Лоқайд одам эса – ҳеч нарса! Бу – ҳаммасидан ёмон. Мен бу мақолани кўпдан бери ёзмоқчидиму, бир истиҳолам бор эди:

Маҳмуд Кошгари

“Девону лугати-т-турк” асарида ёзганидек, “Бўри ўз овулидан ов қилмайди”. Келинг, бу кузатишларни “музлигига тупуриши” эмас, азбаройи “лоқайдликнинг гарови” деган мезонга йўйамиз.

Хуллас, телеграмм ижтимоий тармоғида “Чаласаводликни тугатиш мактаби (chtm)” публицистик каналини ташкил қилиб, юритиб келяпман. Шу пайтгача ҳар бир хатоликни “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”дан муқобилини топиб, таклифлар киритиб, керак бўлса, идора ва муассасалар номларидағи хатоларни да тўғрилатишга эришдик.

Канал аъзоларидан таклиф сўраб мурожаат қилсан, улар нуқул институтимиз баннерларидаги имловий



ЭЛ ОҒЗИДАН ЭЛАНГАН ГАПЛАР



хатоларни рўкач қилиб кўрсатишади. Улар ҳақ бўлса, нимаям деб тортишаман... Хуллас, эл оғзидан элаб олинган баъзи эътиборсизликларни ҳукмингизга ҳавола қилмоқчиман.

“Ҳавза”ми ёки “Ҳавза”ми деган саволимизга изоҳли лугатдан жавоб изладик:

ҲАВЗА (арабча – ҳовуз, басейн, челак, доира) 1. Дарё ёки кўлга

куйиладиган, уни ташкил этадиган ирмоқлар мажмуи.

2. Сув йўлини тўсиш, тўғон қуриш йўли билан ҳосил қилинган катта сунъий кўл.

3. Атрофи баланд, ўртаси товок шаклидаги паст, кенг майдон.

4. (спортуга таалуқли) Бассейн.
“Маърифат” сўзини изоҳли лугатдан



ОДОБЛИ ФАРЗАНД – ЖАМИЯТ КЎРКИ

Жорий йилнинг 16 февраль куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида “Халқ ижодиёти” факультети “Чолғу ижрочилиги” кафедраси катта ўқитувчиси Ҳикмат Ражабов раҳбарлигига қашқар рубоб синфи талабаларининг ота-оналари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда “Чолғу ижрочилиги” кафедраси мудири, профессор Ў. Ташматов сўзга чиқиб, ота-оналарга кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларнинг бугунги эришган ютуқлари ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хақида маълумот бериб ўтди. Учрашувда мазкур гурӯҳ талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури ота-оналарга намойиш этилди.

Концерт дастури сўнгига касб таълим: халқ ижодиёти (чолғу ижрочилиги) таълим йўналиши 3-босқич талабаси Мардон Рауповнинг отаси Эминжон Йўлдошев сўзга чиқиб, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан берилаётган илм ва



маҳорат кўнімлари талабаларнинг келажакдаги фаолиятларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, мазкур учрашувда катнашган барча ота-оналар номидан ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Ижодий учрашув барчада яхши таассусот қолдириди. Олийгоҳимизда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг ота-оналари билан ҳамкорликдаги бундай ижодий учрашувлар яна давом этишини кутиб қоламиз.



Иллескан Рўзимуродов,
“Чолғу жамоаларига раҳбарлик”
йўналиши 4-босқич талабаси

кидиришга умуман ҳожат йўқ деб биламан. Шу боис имло лугатидан мисол келтириб қўя қолдик.

МАЪРИФАТ – MA'RIFAT (Панасенко, Умаров. Ўзбек тилининг имло лугати. Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси нашриёти. Тошкент – 1998).

“Маданият”нинг “маданият” эмаслигини кўрсатиш учун лугат титкилашга-да истиҳола қиласан киши. Сув ҳавзаси биносида жойлашган “Асака” банки пештахасини кўрганда эса нима дейишигаям ҳайрон қоласан киши.

“Ҳақ” деган сўз икки марта ишлатилгану иккви икки хил ёзилган. “Er (yer)” сўзининг “Эр (er)” шаклида, “Изоҳ”нинг “Изоҳ” каби ёзилгани наҳотки ҳеч кимнинг ғашига тегмаса?

Булар йўл-йўлакай кўзим тушганлари. Абитуриентларга тақдим қилинадиган дастурлар, институт худудидаги кўплаб баннерлар, эълонларни ёзишда бироз эътиборли бўлсак, ўйлайманки, институтимиз хақидаги ижобий фикрлар янада кўпаярди.

Шавкат Дўстмуҳаммад,
“Саҳна ва экран драматургияси”
йўналиши 4-босқич талабаси

VOKAL JAMOASI TALABALARI

Bugun biz guruhmiz — bitta oila,
Qadam qo'yidik yuksak marralar sari.
Axir biz shoximiz ulkan daraxtning,
Vokal jamoasi talabalari.

Barchamiz ahilmiz doim har ishda.
Qo'lni-qo'lga berib ildam boramiz.
Bizni kamolotga yetaklar bunda,
Ma'rifat oftobi ustozlarimiz.

Mag'lubiyat bizga to'siq bo'lomas,
Ko'ksimizda yurak urib tursa bas.
Doim izlanishda, serg'ayrat chapdast,
Vokal jamoasi talabalari.

Orzular yoniga ishonchni qo'shib,
Qo'shiqlar kuylaymiz yurakdan jo'shib.
San'at samosida yulduz misoli,
Vokal jamoasi talabalari.

Yurakda iftixor ajdodlarga xos,
Biz o'sha hamisha shirin xush ovoz.
San'at oliygohin ildam yoshlari,
Vokal jamoasi talabalari.



Jahongir RO'ZI,
“Vokal jamoalarida rahbarlik”
yo'naliishi 4-bosqich talabasi

Хурматли ўқувчилар. Бу сондан бошлаб газетамизда “Юлдузлар мангу ёнади” номли янги руки ташкил қилдик. Унда санъатимиз ва маданиятилиз тарихида ўчмас из қолдириган буюк санъаткорларимиз хаёти ва ижод йўлига боғлик қизиқарли мақолалар берил боришни ният қилганимиз.

Бундан мақсад, санъатни ҳамма нарсадан муқаддас деб билиб, маданиятилиз ривожига улкан хисса қўшган санъаткорларимиз, адабиётимиз вакилларининг ибратли умр йўлларига бир кур назар солиш билан бирга, бугун шу йўлни тақдир сифатида танлаган ёшларимизни устоз санъаткорлар ҳаётини чукур ўрганиш, уларга ҳар томонлама муносаб ворис бўлишга ундашдан иборатдир.



Рукннимизнинг илк мақоласи Ўзбекистон ҳалқ артисти, биринчи ўзбек актрисаси Маъсума Қориеванинг ҳаёт ва ижод йўлига бағишиланади.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Маъсума Қориеванинг ҳақиқий исми Саъдия Низомиддинова эди. У аслида татар қизи бўлиб, ўзбеклар ичидаги ўсиб-улгайди ва шу тариқа ўзбек қизига айланганди. Ўтган асрнинг бошларида рус, татар ва озарбайжон театр труплари ўлкамизга гастролга келиб, турли томошалар намойиш этарди. 1916 йилда 15 ёшли Маъсума Бокудан Тошкентга гастролга келган театр трупласи аъзолари ижросида “Лайли ва Мажнун” спектаклини томоша қилишга муваффақ бўлади. Ҳатто театр трупласи раҳбари Сидки Рухиллодан илтимос қилиб, оммавий саҳналарда иштирок ҳам этади. Шушу қизча саҳнага маҳлиё бўлади, актриса бўлиш орзуси билан яшайди. Ўзбек аёлининг саҳнага чиқиши фавқулодда ҳодиса хисобланарди. Ана шу шароитда чўчимай, довюраклик билан саҳнага отилган хотин-қизлардан бири Маъсума Қориевадир.

Ўша йиллари тараққиёт йўлига тушган, ўзларини “жадид” деб номлаган ёшлардан бир нечтаси театр тузиш пайида бўладилар. Чор Россиясининг Тошкентдаги генерал-губернаторига совғалар тақдим этиб, “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўйишга руҳсат сўрайдилар. Айёр генерал-губернатор совғаларни мамнунлик билан қабул қиласи-ю ҳал этишни бошидан сокит қилиб, Петербургдан руҳсат олиб келишларига руҳсат бергандай бўлди. Бундай узоқ сафарга бориб, бюроқрат амалдорлар эшикларини қокиб, олти ойдан сўнг, спектаклни факат бир мартағина кўрсатишга ижозат олиб қайтадилар. Гарчи бир марта бўлса ҳам улар завқ-шавқ билан ишга киришадилар. Аммо шариат аёл кишининг саҳнага чиқишига монелик киларди.

Маъсума Қориева тошбўронга тайёр турган холда роль ижро этишга киришади. Бошқа аёл ролларини эркаклар ижро этишга мажбур бўлган эди. Спектакль шу қадар мұваффақият козонган эди, бир марта ижро этиб кифояланишга ҳеч ким рози бўлолмасди. Ниҳоят, пьесани русчага таржима қилиб, яна амалдорлар эшигига югуришди. Хуллас, ҳар сафар спектакль қўйилмоқчи бўлар экан, албатта, шундай тўқнашувга дуч келишлари аниқ эди.

Маъсумахоним Маннон Уйғур раҳбарлигига Тошкентда ташкил этилган ўзбек театр труппасида қабул қилинади. Труппа актёrlаридан бири, Ўзбекистон ҳалқ артисти Сайфи Олимов М.Қориеванинг эслаб шундай дейди: “Дастлабки йилларда труппада аёллардан ёлғиз унинг ўзи ишлаган. Ташвиқот поездиде шаҳарма-шаҳар кезган. У табиати билан санъат фидойиси эди. Шунинг учун ҳам



Матонат тимсоли



ҳамиша одамлар ичидаги бўлар, ҳалққа хизмат қилгиси келарди”.

Ўзбек театри трупласи раҳбари Маннон Уйғур Маъсумадаги талантни кўриб, унга ҳамиша ёрдамлашган ва деярли ҳамиша бош роллар ижросини ишониб топширган. Шу тариқа у Ф.Зафарийнинг “Ҳалима”, Чўлпоннинг “Ёркинай”, У.Хожибековнинг “Аршин мол олон”, Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”, Ҳ.Жовиддин “Шайх Санъон”, Хуршидинг “Лайли ва Мажнун” пьесаларида Ҳалима, Ёркинай, Гулчехра, Луиза, Ҳумор ва Лайли ролларини маҳорат билан ижро этиб, эл-юртга танила борди. У лирик ролларни қиёмига етказиб, томошабинларга тақдим этган. Айниқса, Ф.Зафарийнинг “Ҳалима” асаридаги Ҳалима образини шундай маҳорат билан ижро этганки, томошабинлар у билан бирга йиғлаб, бирга кулишган. Бу ҳақда “Туркистон” газетасида босилган мақолада шундай дейилади: “Ҳалима ролини Маъсумахоним Тошкентда неча марта ўйнаган бўлса, ҳар қайсисида шу хонимни кўрамиз. Жуда яхши, текис ўйнайди, берилиб кетади, ҳатто Ҳолматни қўмсаф йиғлаган чоғларида кўзидан милт-милт мазлумона, ошиқона кўз ёшлари томчилаб турар эди”.

Шундан сўнг, кўп ўтмай М.Қориева Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” асаридаги бош қаҳрамон Луиза образини яратишга уринди. Унинг ижросидаги ёрга садоқатли, ишқ учун ўлимга ҳам тайёр Луизани ўзбек томошабинлари мамнунлик билан кутиб оладилар. Актриса Шарқ гўзали Лайли каби гарб гўзали Луиза образини ҳам ўзига хос талкин этади.

30-йилларга келиб, М.Қориева ўз талантини, санъаткорлик кудратини А.Файконинг “Портфелли киши” (Буви), Н.Погодиннинг “Менинг дўстим” (Ксения), М.Горькийнинг “Егор Булычев ва бошқалар” (Варвара) асарларида синаб кўришга жазм этади. Мазкур асарлардаги бир-биридан тубдан фарқ қилувчи учала образ унинг ижросида янада тиниқлашади ва сайқал топади. Ҳалқимизнинг севимли санъаткори Сора Эшонтўраева ўша йилларни хотирлаб, шундай дейди: “Мен М.Қориеванинг устозим деб биламан, менинг саҳнага чиқишимда унинг жуда катта хизмати бор. Шунингдек, қатор образлар яратишимида ҳам ҳамиша унга сянардим. “Портфелли киши” спектаклида мен Гого ролини, Қориева эса менинг бувим ролини ижро этди!”.

Актриса “Ҳамлет” фожиасидаги шаҳзоданинг онаси – Гертруда образини яратиш учун кўп йиллар мобайнида тайёргарлик кўрди. Сўзларни қайта-қайта ёд олди, тинимсиз изланди. Оқибатда Шекспир трагедиясидаги ушбу Гертруда образи ишқда эҳтиросли, айни пайтда фарзанди Ҳамлетга ғамхўр ва меҳрибон аёл сифатида саҳнада намоён бўлади. Айниқса, асарнинг сўнгти қўринишларидаги Гертруданинг ўзини ўғли олдида гуноҳкор сезиши томошабинда бу образга нисбатан хайриҳоҳлик тўйғусини уйғотади. Бу образни М.Қориевадан ташқари кўплаб актрисалар, хусусан, унинг шогирдлари ҳам ижро этдилар.

Мени театрга ишга қабул қилишган йиллари замон алғов-далғов эди. Ҳар куни кимнингдир яқин кишиси хибсга олингани ҳақида хабар топардик. Актёrlаримиз бир-бирлари билан кўришганларида секингина: “Тинчликми?” деб сўраб қўйишишарди. Жамоа аъзолари айниқса, Маннон Уйғурдан хавотирланар, у киши театрга кириб келиши билан ҳамма “Худога шукур” дегандай қувониб кетишишарди. Чунки у кишининг сафдошлари аллақачон хибсга олинган эди. Биз машҳур ёзувчи, драматург, театрнинг директори Зиё Сайднинг камалиши Маннон Уйғур тақдирига таъсири этади, деб ўйлардик. Оға (Маннон Уйғур назарда тутиляпти) нинг бўлаётган воқеалардан ич-ичидан қайфуратгани сезилиб турарди. Ҳар куни театрга кириб келиши билан биз – ёшлар Оға хузурига кирад эканмиз, соchlаридаги окларнинг кўпётганини

қўриб, юрагимиз эзиларди. Оғанинг бу кайгулардан бели буқчайиб кетганди. Ҳатто бир куни саҳнага қўлтиқлаб олиб чиққанимиз эсимда.

Бир куни эндиғина repetицияни бошламоқчи бўлиб турган эдик, Маъсума Қориева тўғри Оға хузурига келдию, ўзини унинг бағрига ташлади. Маълум бўлди, у кишининг ҳам бошига ташвиш тушган. Унинг турмуш ўртоғи, ўша замоннинг маърифатпарварларидан бўлиб, катта идоралардан бирида раҳбарлик лавозимида ишларди. Маъсума Қориева ўзини бирор тутгач, Босит Қориевни ҳам кечаси олиб кетишиганинги айтди. Маннон Уйғур бирор сукутдан кейин М.Қориеванинг елкасига қўл кўйиб, “дадил бўл” ишорасини қилдилар. Ҳа, ўша йиллари бирор нарса деб ҳамдардлик килиш ҳам хавфли эди. Артист Муҳсин Ҳамидов бир ёзувчи қамалганида “нотўғри” деб юборгани учун бир неча кун сўроқ берганини ҳаммамиз билардик. Қамалган кишининг оиласи, бола-чақаси, ҳатто яқин таниш-билишларининг ҳам аҳволи танг эди. Айниқса, оила аъзолари кўп нарсадан четлатиларди. Ана шундай фожиа Маъсума Қориеванинг ҳам бошига тушди. Ижодкор учун ижоддан четлатилиш барчасидан ҳам мудхишдир.

1939 йил Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий вафотига ўн йил тўлиши муносабати билан унинг “Бойила хизматчи” пьесаси Комил Яшин таҳрири билан қайтадан саҳналаштириладиган бўлди. Асарни талкин этиш машҳур режиссёр Ятим Бобоҷоновга юклатилиди. Пьесада роллар ниҳоятда кўп бўлиб, ҳар бири алоҳида сайқалланган. Актёrlар шундай пьесаларда образ яратишни орзу қиладилар. Айниқса, аёллар образи шу қадар кўп эди, бундан театр жамоаси хотин-қизлари мамнун бўлган эдилар. Роль тақсимотида М.Қориеванинг номи чиқмади. Бунга факат актриса эмас, балки ҳамма ҳайрон бўлди. Чунки у киши ижро этиши мумкин бўлган роллар кўп эди. Бунда театр раҳбарларининг, айниқса, Етим Бобоҷоновнинг айби йўқ эканлиги маълум бўлса-да, Маъсума Қориевадан сабабини сўрашганида, у елкасиги қисиб қўйди. Демак, актриса шубха остига олинган.

1939 йили Катта Фарғона каналига бутун санъат жамоалари катори Миллий театр жамоаси ҳам отланди. Аммо борадиганлар рўйхатида М.Қориеванинг номи яна чиқмади.

Демак, у кишини четлаштириш ҳакида буйруқ берилган. Сафардан қайтишимиз билан театр жамоасининг бир неча ёшлари у кишидан хабар олгани уйларига бордик. Маъсума опа ҳар сафаридек эндиғина ўша идора эшиклиридан қайтган экан. Икки ўғиллари бизни кутиб олди. Маъсума опа эшиқдан кириб, бизни бағирларига босди. Шу бир ой ичидаги инсоннинг бу кадар ўзгариб кетиши мумкинлигини Маъсума Қориева мисолида биринчи бор кўрган эдим.

Aйтишларича, хали бирор марта әрлари билан учрашишга рухсат берилмаган. Ҳатто, хат олиш ҳам таъқиқланган. Уларга сиёсий маҳбус деб каралар, “халқ душмани”га чиқаришган эди. Маъсума опанинг айтишларича, ўғилларига таъна тошлари отилавериб, улар мактабдан совий бошлабди. У киши ҳамма нарсага дош берса ҳам, болаларининг ҳақоратланишига чидай олмасди. Ота-она бу икки ўғилни жуда катта орзулас билан вояга етказишни ният қилишганди. Хуллас, болалар ҳам мактабга бормай қўйишиди.

Шундай кунларнинг бирида театромизга Москвадан Николай Владимирович Ладигин келиб, бош режиссёр бўлди. Манон Уйғур бош режиссёрик лавозимидан навбатчи режиссёрикка ўтказилди.

40-йилларда “Отелло”ни сахналаштириш театр жамоасининг катта орзузи эди. Манон Уйғур Ғафур Ғулом билан бирга асар таржимасини тайёрлаб юрар эди. Н.В.Ладигин бадиий раҳбар бўлгандан сўнг, бу асарни сахналаштириши ўз кўлига олди.

Роль таксимотида Маъсума Қориева яна ижрочиликдан четлатилганига қарамай, Манон Уйғур Эмилия ролини унга беришни Ладигиндан илтимос килди. Хуллас, жамоанинг қатъйлигими ё Манон Уйғур ташаббуси биланми, бу ролга учинчи ижрочи сифатида Маъсума Қориева тасдиқланди. Иш бошланди. Аммо сафдошлар Тошхон Султонова, Зайнаб Садриевалар Эмилияни Маъсума Қориева ижро этишига имконият яратиб беришга интилишиди, шу билан бироз бўлса-да руҳан кўллаб-куватлашга харакат қилишди. Ладигин ҳам жамоанинг ташаббусига қаршилик қиломади. Шундай қилиб, асосий репетицияда Маъсума Қориева катнашди. Бу актрисага анча руҳ бағишлигандек бўлди.

Ниҳоят, “Отелло” сахна юзини кўриб, катта довруқ қозонди. Отеллодан тортиб, бошқа ҳамма роллар шу кадар киёмига етган эдик, бу хақда матбуотда ҳам Отелло,

Дездемона ва Яго роллари қаторида Маъсума Қориева ижро этган Эмилия роли алоҳида тилга олинди. Бу ҳол актрисанинг руҳига руҳ бағишлиб, уни анча тетиклаштириди. Худди шу кунларда уруш бошлангани ҳакида хабар тарқалгач, “Отелло” спектаклидан чиқсан Маъсума Қориева алланималарни ўйлаб хаёлга толди. Эртасига маълум бўлди, у икки ўғлини фронтта жўнатсам, отаси туфайли отилган таъна тошларидан кутилар, деб ўйлаган. Болалар ҳам онанинг шу тақлифини кутиб тургандек урушга отланган. Икки ўғилни ҳарбий комиссарликка етаклаб олиб борган бу аёл яна бир калтакка дуч келди. Яъни, “халқ душмани”нинг ўғиллари фронтнинг факат “штрафной” батальонига олиниши мумкин экан. Ўғиллар бунга ҳам рози эканликларини билдиришиб.

Маъсума Қориеванинг эски



Баринчаш ўзбек актрисалари:
настода, чапдан Махсума Қориева, София Тұйымбетова, Маларахоним...
менеда, чапдан Габдулла Рахимова ва Замира Ҳидоятова.
Москва, 1927 йил.

ғамлари яна янгилангандек бўлди. Энди нафакат эрининг ташвишлари, балки икки ўғилнинг ташвиши билан ҳам сочлари оқара бошлади. Биз бир неча бор бориб, у кишини уйидан тополмасдик. Энди опанинг ўз уйига киришга ҳам унинг юраги бетламай қолган, хонадони хувиллаб қолган эди. Маъсума Қориева кўрпа-тўшагини олиб келиб, театрда истиқомат қиласидан бўлди. Театр жамоаси у бирон иш билан оввора бўлса, қайғулари камаяр, деган умидда касаба уюшмаси ишини унга топширишни мўлжаллади.

Партия ташкилотининг котиби Маъсума Қориеванинг раис бўлишига қаттиқ қаршилик кўрсатди. Аммо театр жамоаси ҳам оёқ тираб туриб олди. Бирлашган қўпчиликнинг кучи сезилди. Маъсума Қориева қийинчилик йилларида маҳаллий кўмита раиси бўлиб, жамоага онахонлик қилди. Артистлар турмуши жуда оғир бўлган бир пайтда уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга бел боғлади.

Маъсума Қориева қаерлардандин сўраб, илтимос қилиб бўлса ҳам, озиқовқат ундириб келиб, театрда ҳар куни бир маҳал иссик овқат ташкил қилгани эсимизда. Худди шу йилларда иқтисодни ниҳоят яхши тушунадиган, актёрларга ғамхўр Собир Азизов

REC
40-йилларда “Отелло”ни сахналаштириши театр жамоасининг катта орзузи эди. Манон Уйғур Ғафур Ғулом билан бирга асар таржимасини тайёрлаб юрар эди. Н.В.Ладигин бадиий раҳбар бўлгандан сўнг, бу асарни сахналаштиришини ўз кўлига олди.

00:00:00 3..2..1..1..2..3

театрга директор эди. Улар биргалашиб жамоага кўп манфаатлар келтиришган. Ҳусусан, Қорасарой кўчасидаги катта боф олинди. Озиқовқатлар бериладиган дўкон очилди.

борсак, ўртада олов ёниб турибди-ю опа оловга тикилганча хаёлга толган. Жамоадан кўпчилик ўзига тегишили картошкаларни олиб кетган, устига исем ёзиғлиқ бир неча халтада кимларнингdir картошкаси турар эди. Биз опанинг ёнига келиб ўтириб, ҳолаҳвол сўраган бўлдик. У киши ҳамон узокқа назар ташлаб, алланимани ўйлаётгани сезилиб турарди. Бирдан ўринларидан туриб “Энди Москвага бормасам бўлмайди”, дедилар. Турмуш ўртоги, ўғилларидан дом-дарак ўйк эди.

Хуллас, Маъсума Қориева ҳақиқат қидириб, Москвага жўнаган эди. Минг афсуски, кўп ўтмай, ўзларининг ҳаётдан кўз юмғанлиги ҳакида шум хабар етиб келди. Биз бунинг сабабини аввал шундай ўйладик, кишининг севинчдан ҳам юраги ёрилиши мумкин-ку! Йўқ, аксинча бўлган экан. Эрлари отилган, ўғилларининг иккалasi ҳам ҳалок бўлган экан. Бу даҳшатли кайгу ўзи хилвиллаб турган юракни тўхтатиб қўйган экан...


Шу тариқа меҳрибон она, ажойиб актрисадан айрилдик. Вокеадан хабар топишишимиз билан театр директори Собир Азизов Москвага жўнади. Унинг Москвада бир неча кун қолиб кетиши бизни яна ташвишлантира бошлади. Маълум бўлишича, жасадни самолётга олмаган, поездда ноқулай бўлган. Натижада жасадни кўйдиришга карор қилинган. Шундай қилиб, ажойиб қалбли она, ўзбек ҳалқининг катта актрисаси кул қилиниб, кичик бир идишда келтирилди. Биз мотам маросимини тўрт кишининг ҳалокатига бағишлидик. Уларнинг бироргаси ҳам ўз ажали билан ўлмаган эди. Тўрт кишига бир қабр қилдириб, ўша идишдаги хокни қўйиб, қабр тепасига тўртгасининг исмини ёздиридик. Ҳамон уни “рамзий қабрлар” сифатида зиёрат қилиб турамиз.

М.Қориева орамиздан кетган бўлса-да, унинг номи ҳамиша барҳаёт. У бошлаб берган санъатни дастлаб Назира Алиева, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятова, Зайнаб Садриева, Холида Хўжаева ва Сўиди Сотбодиевалар, кейинчалик Яира Абдуллаева, Эркли Маликбоева, Ирода Алиева, Лола Бадалова, Рихси Иброҳимова, Гулчехра Жамилова, Ойдин Норбоева, Тўти Юсуповалар давом эттиридилар. Бугун парвоз килаётгани сахна қалдирғочларини кўриб, улар учун ўйл очиб берган илк қалдирғочлардан бири – Маъсума Қориева хотирасини ифтихор билан ёдга оламиз.

Ушбу мақола Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир МУҲАММАДЖНОНОВнинг “Қалбдаги ўчмас излар” китоби материаллари асосида тайёрланди.



Мутолаа лаззати ҳар бир инсоннинг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқади. Китоб ўқиш, илм олиш, дунёвий янгиликлардан боҳбар бўлиш, ахборотларни узлуксиз қабул қилиш яшаши — бугунги асримизнинг глобал ҳаёт тарзига айланди.



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчиларнинг илм эгаллаши, бадиий мутолаадан, колаверса, бутун жаҳонда юз берадиган муҳим янгиликлардан баҳраманд бўлишлари учун институт худудида Ахборот-ресурс маркази холис хизмат қилиб келмоқда. АРМ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги 3271-сонли қарори асосида иш фаолиятини олиб бормоқда. Ҳозирги кунда АРМ фонди 13702 номда, 83563 нусхадаги адабиётларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиеевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндадари билан бўлиб ўтган учрашувида академик Азиз Қаюмовнинг кутубхонашунослик йўналишига бўлган талаба ва таклифига биноан ёш кутубхоначи кадрлар тайёрлаш масаласини


кўтарди. Шундан кейин институтда “Ахборотлашириш ва кутубхонашунослик” таълим йўналишига 50 та талаба, жорий йили эса 150 та талаба қабул қилинди. Бу кўрсаткич юртимизда китобхонликка бериладиган муҳим эътибор ҳамда инсонларнинг интеллектуал даражасини юксалтиришдаги килинаётган муҳим ишлар самараси хисобланади.

Ҳозирда АРМ зарур жиҳозлар, замонавий ахборот технологиялари воситалари билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, 17 та компьютер, 4 та сканер, 5 та принтер ва 4 та нусха кўчирувчи техник жиҳозлар барча китобхонларга хизмат қилиб келмоқда. Бинода ички тармок мавжуд ҳамда компютерлар интернет (Wi-Fi) тармогига уланган. Китобхонлар мунтазам равища интернетдан фойдаланган ҳолда республиканинг барча олий таълим музассасаларининг АРМларидан, институт АРМнинг электрон каталогидан адабиётлар қиди-

ФИДОЙИ ИНСОНЛАРНИНГ МЕҲНАТИ

риб топишлари, зарур электрон ресурслардан фойдаланишлари, исталган ахборотларни излаб топишлари мумкин. Ахборот-электрон ресурслар бўлимида институт профессор-ўқитувчиларниң ўқув қўлланмалари, дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар, илмий-публицистик мақолаларнинг электрон нусхалари ҳамда имконияти чекланган китобхонлар учун аудио китоблар мавжуд. Бундан ташқари, Web of Science, Scopus, Durt Science халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан импакт фактори юкори бўлган нуфузли чет эл илмий журнallаридан ҳам фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Институт ректори, профессор Иброҳим Йўлдошев ҳамда АРМ раҳбари Зебунисо Абдуғаниева бошчилигига институт Маънавият ва маърифат бўлими, Хотин-қизлар кенгаши, кафедралар ҳамда иқтидорли ижодкор талаба-ёшлар билан биргаликда кўплаб тадбирлар, китобхонлик семинарлари, ижодий учрашувлар, давра сухбатлари ўтказиб келинмоқда. Буларнинг барчаси талаба-ёшлар маънавиятини бойитиш, ички маданиятини янада гўзаллашириш, дунёқарашларини кенгайтиришда ва энг асосийси, китобга меҳр кўйишиларида муҳим қадамлардандир. АРМда Жумагул Аллаёрова, Наима Абдуназарова, Ниора Болтабоева, Фотима Ташева, Дилноза Қурбонова, Самия Салимова, Сурайё Ганжиева сингари малакали кадрлар фаолият юритиб, ўзаро



ахил жамоани ташкил этишган.

АРМда вактли матбуот нашрлари учун ҳам салмоқли даражада обуна ташкил қилинган бўлиб,

ҳар ҳафтада 31 номда 57 нусхадаги газета-журналларнинг янги сонлари етказиб берилади. Санъат ва маданият соҳаларида ўқиб, илмий-тадқиқот иши олиб бораётган магистрантлар, ёш олимлар, докторантлар учун ўз салоҳиятларини намоён этишлари, билим даражасини кўтаришлари учун матбуот хизматининг ўрни юқори эканлиги ҳамда мутолаанинг таъминланганилигига ижобий натижалар бериб келмоқда.

Мазкур илм даргохи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи АРМлар ҳамда барча коллеж ва лицейларнинг АРМ ходимларига ваколат доирасида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиб келади. Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона, “Турон” номли Тошкент вилояти Ахборот кутубхона маркази, Республика Болалар кутубхонаси

билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Янги китоблар, жаҳон адабиётининг сара намуналари АРМнинг библиография бўлими томонидан ҳар чоракда нашр қилинадиган маҳсус “Ахборот бўллетеши” орқали институт илмий кенгашида ва факультетлар йиғилишида мунтазам равища таништириб келинмоқда.

Илм олиш, тезкор равишида зарурий ахборотларни қабул қилиб, янги давр билан ҳамнафасликда яшаш шарти – инсонни ҳар доим ахборот излашга, китоб вақарқаб, газета ва журнал ўқишига, интернетдан фойдаланишга мажбур этади. XXI аср – ахборот асри экан, юкоридаги мажбуриятни тўлиқ англаган ҳолда, ўз бурчини адо этаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти АРМнинг фидойи ходимларига муваффакиятлар тилаб қоламиш!

**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Санъат назарияси ва тарихи
(киношунос) мутахассислиги
2-босқич талабаси**



Хурматли китобхонлар!

Институт Ахборот-ресурс маркази фондига фаннинг турли соҳаларига оид олинган янги адабиётлар ва уларнинг қисқача мазмуни билан танишиб боришингизда институт сайти орқали ўзлон қилинган “АРМ янгиликлари” рукни остида тайёрланган маълумот билан бевосита хабардор бўлишингиз мумкин. Шунингдек ушибу руқнда брайл ёзувидаги адабиётларнинг рўйхати ҳам берилган.

Мазкур рўйхатда ўзлон қилинган адабиётларни институт Ахборот-ресурс марказидан олиб ўқишингизни тавсия қиласиз.

Тиббиёт соҳаси бўйича

1. Станков А. Икки дил туташгандан: ёшлар учун тиббий маслаҳатлар. – Тошкент: Тафаккур, 2017. – 160 б.

Жинсий муносабатлар кишилар турмушидаги муҳим бўғин хиобланади. Шунинг учун у етарли даражада ва юқсан савияда бўлмоғи лозим. Мазкур китоб шундай масалаларга бағишлиланган.

Тарих бўйича

2. Иванин М. Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур ҳарбий санъати, стратегия ва тактикаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 304 б.

Мазкур китоб икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур ҳукмронлигига бағишлиланган.

3. Марсель Б. Менким, соҳибқирон-жаҳонгир Темур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 572 б.

Мазкур китоб Соҳибқироннинг дунёга келишидан то вафотига қадар бўлган даврни қамраб олиб, воқеалар Амир Темур номидан ҳикоя қилинади.

Ижтимоий-сиёсий соҳа бўйича

4. Ҳайдаров А. Ҳаракатлар стратегияси ва маънавий юксалиш: услубий қўлланмана. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 300 б.

Ушибу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар жамланган.

Ҳуқуқ соҳаси бўйича

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йилда таълим, фан, санъат ва маданият соҳасида қабул қилинган фармон, фармойиш ва қарорлар мажмуаси. – Тошкент: Турон-Матбаа МЧЖ, 2018. – 208 б.

Мазкур мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан сўнгги йилларда таълим, фан, санъат ва маданият соҳасида қабул

қилинган фармон ва қарорлар ўз аксини топган.

Тиљшунослик соҳаси бўйича

6. Ишанбекова Н., Содикова М. Инглиз тили фанидан услубий қўлланмана. – Тошкент: Замон-полиграф, 2018. – 50 б.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида ёзилган ушбу қўлланмана талабаларга материалларни ўзлаштириш, маълум лексик бирликлар базасида сухбатлаша олиш малакаларини эгаллашширида ёрдам беради.

7. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили: дарслик. – Тошкент: Тафаккур бўstoni, 2018. – 200 б.

Дарсликда ўзбек тилини субстансиал тадқиқ қилиш натижалари ўз аксини топган.

Бадиий адабиётлар

8. Аҳмад С. Жимжитлик: Роман. – Тошкент: Сано-стандарт, 2018. – 416 б.

Адибнинг ушбу романни ёзувллик билан эзгуликнинг адабий курашига бағишлиланган.

9. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. Фалсафий маърифий асар. – Тошкент: Янги аср авлоди. – 240 б.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ушбу асарида турли мажлисларда билдирган фикрлари баён этилган. Сиз ушбу рисолани ўқиб, инсон ва олам, онг ва борлиқ, инкор ва исбот, хаёл ва амал сингари фалсафий тушунчаларнинг асл моҳиятини англайсиз.

10. Генри О. Ишибилармон кишилар. Ҳикоялар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 256 б.

Мазкур китобга адибнинг рус ва инглиз тилларидан ўзбекчага таржима қилинган энг сара ҳикоялари кирилтилган.

11. Достоевский Ф.М. Иблислар. 2-жилдлик. – Тошкент: Ўқитувчи.

1-жилд: роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018. – 424 б.

2-жилд: роман. – Тошкент: Ўқитувчи, 2018. – 408 б.



Мазкур романнаги катта-кичик қаҳрамонлари ўз қарашлари, маслакларидан асло уялмайдилар, балки маслак учун жон-жаҳдлари билан курашадилар ва бу йўлда ҳеч нарсадан тоймайдилар. Фоялар учун курашда улар қучли ирода, кудратли эҳтирослар соҳиблари каби намоён бўлади.

12. Кристи А. Ўнта негр боласи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. -208 б.

Агата Кристининг мазкур асарида китобхон сирли ва кизиқарли оламга саёҳат қилиши муқаррар.

13. Навоий А. Хамса. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. -496 б.

Мазкур китобда Алишер Навоий «Хамса»сидаги барча достонларнинг мазмуни баён қилинган.

14. Обиджон А. Галати мактублар: шеърлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. -128 б.

Адид асарларига танланган қаҳрамонлар ўқувчилар учун ҳамиша ажабланарли, ҳамиша уларни ҳайратга солиб келган. Мазкур китобга жамланган шеърлари хам сизларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

15. Олимжон Ҳ. Ойгул билан Бахтиёр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. -112 б.

Ҳамид Олимжон ушбу достонида ёшлик шијоати, муҳаббат туйгулари, мардлик ва жасорат жонли тасвирларда ифодаланади.

16. Раҳим А. Адашган қиз. Қисса. –Тошкент: Адабиёт узунлари, 2017. – 60 б.

Абдивой Раҳимнинг ушбу асарида ёшларнинг орзу-интилишлари қаламга олинади.

17. Семёнов Ю. Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси. Роман. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 488 б.

1945 йил баҳор. Гитлерчилар германиясининг сўнгги кунлари. Фашизм ўлим ёқасида ётиби, аммо кураш тутаганича йўқ. Ушбу романда ана шундай вазиятда душман уясида иш кўрган айгоқчи Максим Исаев ҳакида хикоя қилинади.

18. Туроб Тўла. Танланган асарлар. –Тошкент: Илмизе-заковат, 2018. -936 б.

Тўпламда Ўзбекистон ҳалқ шоири Туроб Тўланинг шеърият, драма, насрда олиб борган ижод намуналари, жаҳон мумтоз асарларининг таржималари, шунингдек мақола, сұхбатлари жамланган.

19. Ҳошимов Ў. Икки карра икки – беш. Ҳажвий қисса. –Тошкент: Ўқитувчи, 2018. -215 б.

Адабнинг мазкур ҳажвий қиссасида воеалар кескин юмор остига олинади, фоят ҳаётини акс эттирилган.

20. Ҳошимов Ў. Ҳажвий хикоялар. –Тошкент: Ўқитувчи, 2018. –192 б.

Ушбу китобга адабнинг энг сара ҳажвий асарлари киритилган.

21. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. –Тошкент: Академиашр.

1-жилд: шеърлар, мансуралар, шеърий хатлар. – Тошкент; 2016. -368 б.

2-жилд: роман, хикоялар. –Тошкент; 2016. -376 б.

3-жилд: драмалар, таржималар. –Тошкент; 2016. -544 б.

4-жилд: адабий-танқидий ва публицистик мақолалар. –Тошкент: 2016. -320 б.

Чўлпон кўп асрлик ўзбек адабиёти тараққиётiga улкан ҳисса кўшган ижодкорлардан бири. У қиска умр кўрганига қарамай, адабиёт ва санъатнинг турли соҳалида самарали ижод қилиб, катта адабий мерос қолдириди. Адабнинг ушбу китобларида ҳам унинг шеърлари, романлари, драмалар ва таржималари берилган.

22. Қодирий А. Ўткан кунлар. 1-жилд. Роман. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. -488 б.

Абдулла Қодирийнинг “ўзбек романчилиги асосчиси” сифатида тан олинишига сабаб бўлган ушбу асар воеалари тарихимизнинг бир кўриниши, муаллиф таъкидлаганидек, ўзбеклар турмушидан тарихий романдир.

23. Қодирий А. Мехробдан чаён. 2-жилд. Роман. – Тошкент: Info Capital Group, 2017. -488 б.

Болалигидан тиришқоклиги, нозиктабълиги билан атрофдагилар эътиборига тушган Анвар юкори мартабага ҳам эрта эришади. Жасур қиз таърифини олган Раъно ҳақида ҳам мактаб дарслкларидан илк тасаввурларга эга бўлганимиз. Замонасининг зулми курбонига айланмай, ўзининг шијоати билан муҳаббати ва келажаги йўлидаги харакати, айтиш жоиз бўлса, таҳсинга сазовордир.

24. Қодирий А. Диёри бакр. 3-жилд. Адабий-танқидий, публицистик мақолалар. –Тошкент: Info Capital Group, 2017. -576 б.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур тўпламдан ўрин кичик мақола ва ҳикоячаларда Қодирийнинг ички дунёси, холис сўзи, журъати ва инсоний бурчи кабилар акс этадики, буни зийрак китобхон сатрлардаги ёзувчининг қалб оғриқлари орқали ҳис килади.

25. Қодирий А. Обид кетмон. Қисса. –Тошкент: Info Capital Group, 2017. -536 б.

Абдулла Қодирийнинг ушбу асари 1934 йилда

ёзилган бўлиб, бу асар ҳам бошқалари каби ёзувчининг улкан маҳоратини ўзида мужассам этган.

26. Қодирий А. Адибни хотирлаб. Хотира роман. –Тошкент: Info Capital Group, 2017. -584 б.

Ушбу китоб нафакат буюк ёзувчининг авлодлари, шогирдлари хотираларидан иборат, балки у билан замондош бўлган, адид билан бир даврда ижод қилган инсонларнинг эсдаликлари жамламасидир.

Санъат соҳаси бўйича

27. Абдукундузов М. Ўшал Бобурмен мен. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2017.-494 б.

Мазкур китобда Муҳаммадали Абдукундузовнинг болалик хотиралари, санъат ҳакида ўйлар, жамият ва театр ҳақидаги кўнгил кечинмалари борасида сўз юритилади.

28. Абулқосимова Х., Умаров С. Кинодраматургия асослари. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -99 б.

Ўқув кўлланмада кинодраматургиянинг тарихи, асослари, конуниятлари ва бошқа соҳалар билан ўзаро боғликлик жиҳатлари баён қилинган.

29. Азимов М. Кинотасвир аппаратуруси ва оптикаси. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -168 б.

Мазкур ўқув кўлланмада кинотасвирга олиш услуб ва тамойиллари, кинотасвирга олишда кинотелеоптика қонунлари, оптик асбобларнинг тузилиши, уларда бўладиган бузилишлар ва уларнинг тузатиш усуслари, фокус масофаларини хамда тасвир кўриш майдонларини аниқлаш, шунингдек, масштабини аниқлаш каби маълумотлар ёритилган

30. Арзибаева З., Турғунова Н. Мусика назарияси. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -128 б.

Мазкур ўқув кўлланмада мусиканинг элементар назарий асосларини ташкил этувчи мусиканинг ифодавий воситалари, товуш тизими каби мусикий масалаларга оид манбалар ёритилган.



31. Иброҳимов О.А, Камолова Д.С. Сольфеджио. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -180 б.

Ўқув кўлланмада маҳсус овоз машқлари ноталарда берилган, кўйларни тўғри ифода этишга кўмак бериш кўзда тутилган.

32. Маликова С., Василченко О., Багирова Ф. Дирижёрлик. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -460 б.

Ўқув кўлланмада композиторларнинг содда, мурракаб ва аралаш-мураккаб ўлчовдаги асарлари тўпландган.

33. Меликўзиев И.М. Кинотелеоператорлик маҳорати. Дарслик. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -256 б.

Мазкур дарсликда ўзбек фотографияси тарихи, фотографиянинг турли жанрлари, суратга олиш усуслари бўйича маълумотлар ёритилган.

34. Мухамедова М. Мельорчилик асослари. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Фан ва технология, 2018. -296 б.

Ушбу ўқув кўлланмада меъморчилик санъатига оид манбалар ёритилган.

35. Орифжонова Ф., Нишонова К. Санъат асарларининг физик-кимёвий экспертизаси. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Чўлпон, 2018. -204 б.

Мазкур ўқув кўлланмада физик-кимёвий экспертиза тушунчаси ва унинг моҳияти, санъат асарларининг турлари бўйича экспертиза ўтказишнинг ўзига хосликларидан келиб чиқсан холда рангтасвир, хайкалтарошлиқ, заргарлик, газлама ва гилам, чинни буюмлар экспертизасига оид бобларни ўз ичига қамраб олади.

36. Ҳидирова К., Азимов М. Кинотасвир технологияси. Ўқув кўлланма. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -88 б.

Ушбу ўқув кўлланмада кинотасвирнинг ёритилиш услуб ва тамойиллари, кинотасвирга олишнинг экспозицион усули, кинотасвирга олиш жараёнидаги рангларни узатишда кулранг шкала ёрдамида назорат қилиш ва рақамли технология каби масалалар ёритилган.

37. Эгамбердиев Ф.Т. Эстрада ва оммавий томошалар режиссураси: ўқув кўлланма. –Тошкент: Фан ва технология, 2018. -356 б.



Мазкур ўқув кўлланмада эстрада ва оммавий томошалар режиссурасининг назарий ва амалий асослари, фанни ўқитишнинг анъанавий ва замонавий методикаси, эстрада ва оммавий томошалар режиссурасидаги миллий ва хорижий тажрибаларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

38. Юсупова М. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси: дарслик. –Тошкент: Турон-Иқбол, 2018. -176 б.

Мазкур ўқув кўлланмада асосий мақсади актёр ва режиссёrlарни тайёрлашда замонавий жаҳон стандартига мос келадиган дарс машғулотларини ташкил этиш, ўқитиш методлари ҳақидаги маълумотлар баён қилинган.

Диншунослик бўйича

39. Кайковус. Қобуснома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. -224 б.

Мазкур китобда кўплаб тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маълумотлар берилган.

Фалсафа бўйича

Арасту: Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. -352 б.

Арастунинг ушбу асарида барча замонлар ва барча инсонлар учун сув ва ҳаводай, қуёш нуридай зарур илми ҳикмат дурданаларини топамиз, бу дурданалар бизнинг маъниай оламимизни бойитади ва гўзаллаштиради.

Брайл ёзувидаги тарихий адабиётлар

1. Амир Темур Курагон. Темур киссаси. 2 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

Брайл ёзувидаги ўқув кўлланмалар

2. Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адаблари. Ўқув кўлланма. 7 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

Брайл ёзувидаги бадиий адабиётлар

3. Айтматов Ч. Жамила. –Қарши; 2018 йил.

4. Айтматов Ч. Охир замон нишоналари. 5 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

5. Аъзам Э. Кечикаётган одам. 7 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

6. Гўрўғли. 15 жилдлик: достон. –Қарши; 2018 йил.

7. Думбадзе Н. Абадият қонуни. 7 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

8. Ёқубов О. Кўхна дунё. 6 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

9. Ёқубов О. Осий банда. 3 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

10. Кристи А. Ўгирланган миллион доллар. 3 жилдлик. –Қарши; 2018 йил.

11. Махтумқули. Дунё

Ҳазрат Навоий бошқа достонларидан фарқи ўлароқ "Лисон-ут тайр" достонида тўрт саҳифалинг ҳар бирига алоҳида боблар ажратган. Махсус таърифлардан сўнг ул зотлар ҳаётидаги рўй берган воқеаларни баён қилган. Куйидаги ана шу ҳикояларни хукмингизга ҳавола этамиз.

Абу Бакр (розияллоҳу анху) ҳақида
Мустафодин сўнгера аҳли иртиодод, Чун хилофатка ул ўлди истинод. Дин тариқида адоват туздилар, Ким хужум айлаб жадал кўргуздилар. Бергали ислом рукнига халал. Ким закот эрди аён айлаб жадал. Ул газаб айлаб бу навъ этии хитоб. Ким наби қонунидин бир ришига тоб. Ўқсумак тағиyr ила имкони ўйк, Ўқсумур элга қиличдор догои ўқ. Шаръ ишига улки мундоқ қиласа жсаҳ, Ким онинг осори қолгай то бу аҳд. Ким қила олгай бу ишини оишор, Жуз Абубакр улки эрди ёри гор.

Насрий баёни:

Мұхаммад Мустафодан (соллалоҳу алайҳи ва саллам) кейин Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анху) халифалик таҳтига ўтириди. Диндан қайтган бир гуруҳ кишилар дин ўйлида адоват қилиб, женжал бошладилар. Улар ислом устуналарини қулатши учун закотни бекор қилишини талаб қилдилар. Халифа газаб билан шундай хитоб қилди: «Пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) қонунида бирор иш миқдорича нарсани ҳам ўзгартириши мумкин эмас. Кимки бунга қарши бош қўтарса, уларга жавоб қилич ва ўқ бўлади!»

Шариат ишига шунчалик қатъишлиги учун ҳам унинг номи то бу замонгача етиб келганди. Бундай қатъишлини ким қила олади? Фақат горда пайғамбарга (соллалоҳу алайҳи ва саллам) дўстлашган Абу Бакр (розияллоҳу анху)!

Умар (розияллоҳу анху) ҳақида

Хайле чун фатҳи Мадойин қилдилар, Аҳзи амволу ҳазоин қилдилар. Неча юз ишллик салотин ганжини, Жамъ айлар чогда кўргон ранжини. Юқлаб эттилар онинг олиига нақл, Ким тамошосида ҳайрон эрди ақл. Кўз учидин боқмай ул амволга, Борчани жамъ этии байтул-молга. Ким газо аҳлига ул бўлгай мадад, Ҳар бирига ончаким еткай расад. Кимнинг илкидин келур бу навъ иши, Жуз Умарким бўйла қонун айламиши.

Насрий баёни:

Ҳазрати Умарнинг (розияллоҳу анху) кишилари Ма-

дойин шаҳрини эгаллаб олиб, мол-мулк ва ҳазиналарини тортиб олдилар. Бир неча юз ишлар давомида сultonлар қийналиб ишқан ҳазиналарни юклаб ўйла тушдилар. Бу катта ҳазиналар томошасига ақл ҳам лол эди.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анху) келтирилган бу мол-дунё ва ҳазиналарга кўз қирини ҳам ташламай, давлат ҳазинасига топширишини буюрди: булар газотга чиқувчилар учун етганича бўлиб берилади.

Умар (розияллоҳу анху) шундай қонунни ўйла қўйди ва ундан бошқа кимнинг қўлидан бу иши келарди!

Усмон (розияллоҳу анху) ҳақида

Нақл эрур бу навъким бир кун наби, Ул ҳалоийқقا саодат кавкази. Хилват ишра истою элдин фароз, Ўлтуруб эрди узотиб бир оёғ. Кирдилар баъзи кибар асҳобдін, Ҳам азиз ҳам шариф аҳоббодін. Бўлмади тағиyr ҳазрат ҳолига, Ул фароз ишра ҳумоғон фолиға. Лек Усмон киргач ул миллатқа шамъ, Ўлтуруб сўнгон аёғин қўлди жамъ. Ким эрур осру ҳаёлиг кимса ул, Тонқуси тағиyr онинг ҳолига ўйл. Улки мундоқ ҳурматин тутқиҳ расул, Эътибори ўйқ неким дер ҳар фузул.

Насрий баёни:

Шундай бир нақл бор: ҳалоийққа саодат юлдузи бўлган Пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) бир куни элдан фароғат истаб, бир хилватга кириб, бир оёғини узатиб ўтириб эди. Унинг ҳузурига баъзи зодагон сухбатдошилардан, баъзи азиз ва айрим шариф дўстларидан кириб боришиди.

Пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) авзоида ўзгариши бўлмади. У бемалол яхши ҳаёллар билан тин олиб ўтириди.

Бироқ хонага Усмон (розияллоҳу анху) киргач, Миллат шами (соллалоҳу алайҳи ва саллам) узатган оёғини ўшиб олди. Чунки Усмон (розияллоҳу анху) жуда ҳаёли киши бўлиб, Расулининг у ҳолидан аҳволи ўзгаршини мумкин эди. Пайғамбар (соллалоҳу алайҳи ва саллам) ҳурматини жойига қўйган зот ҳақида ҳар қандай кимсалар ҳар нима десалар беҳудадид.

Али (розияллоҳу анху) ҳақида

Бир газода нақл мундоқдурки шоҳ, Ебдор ўқ заҳмики отмии кийнаҳоҳ. Ер тутиб пайкон сўнгакка ўйла руст

Ким чекордин бўлмайин чиқмоққа суст.

Чун Набига арз этибдурлар они,

Бўйла дебтур ул ҳидоят маҳзани.

Ким ул этгон чогда эҳроми намоз,

Они тортарга бўлунгуз чорасоз.

Ондакум ул захмнинг пайкони бор,

Зўр айланг ончаким имкони бор.

Онча истироқдиндур баҳравар

Ким ул шитин бўлгусидур бехабар.

Ўйлакум ҳукм этии ул шамъи худо

Қилдилар ул ишини фатҳ этии худо

Шаҳ намозининг саломин чун деди

Захмда не дарду не пайкон эди.

Қилди чун ул ҳол истиғеорини,

Дедилар шоҳи расул ҳуфтторини.

Ҳайдари каррор шуқр айлаб аён,

Ушибу ши сиррин бу навъ этии баён.

Ким ҳалоэ ўлмоқ ажсал пайконидин

Мумкин эрмас жуз наби эҳсонидин.

Бизга ҳар гамдин најсот ондиндуур,

Балки ойини ҳаёт ондиндуур".

Насрий баёни:

Ғазот жангларининг бираиди, шундай нақл қиладиларки, шоҳ – ҳазрат Али (розияллоҳу анху) душмандан ўқ ебди.

Ўқнинг учи сугига ботиб, ҳеч тортиб олишининг илоси бўлмабди. Бу ҳолни Пайғамбарга (соллалоҳу алайҳи ва саллам) айтганиларида, тўғери ўйл кўрсатиш ҳазинаси бўлган Расулулоҳ (соллалоҳу алайҳи ва саллам) шундай дебти: «У Али намоз ўқий бошлаган пайтда ўқни тортиб олиши пайида бўлингиз. Жароҳатнинг ўқни тортиб олишига ҳаркет қилинг. У намозга шундай берилган бўладики, ўқни тортиб олганларинги билмай қолади».

Тўғери ўйл кўрсатиш шами – Мұхаммад (соллалоҳу алайҳи ва саллам) шу сўзни дегач, кишилар бу ишига киришидилар ва Аллоҳ қушоийши берди. Айтилганига амал қилинди.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анху) шом намозининг саломини айтганида жароҳатда на дарду на ўқ уни бор эди! У ҳайрон бўлиб, воқеани суриштирган эди, унга Пайғамбарлар шоҳи – Набийнинг (соллалоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмасини айтдилар.

Ҳазрат Али (розияллоҳу анху) бунга шукур қилиб, бу иши сирини шундай айтдиларки: «Ажсал ўқининг учидан фақат Набий (соллалоҳу алайҳи ва саллам) эҳсони билангина қуттиши мумкин. Бизга ҳар қандай гамдан најсот, балки ҳаёт ҳам У туфайлиди».

Соат милларига қараганимисиз?

Келажакка томон шошиб кетади. Йўлда бирорта ҳам қилмай буриши, Миллар бир-бираидан ошиб кетади.

Қани маррасига етолса тезроқ, Ғалаба ҳиссини кўксига қадаб. Менда орзуларга эргашган кўйи, Ҳаёллар сурман милларга қараб.

Сиз қулманг, ҳа шундай қизнинг кўнглидан Жой эмас, тўрни олдингиз тортиб. Қиз энди ўзини ўйлай олмайди, Тўрдаги меҳмонин кўйидан ортиб.

Ҳаёллар мезоннинг шамолларида Ҳар ёнга бирма-бир дайдиб кетади. Юрагим негадир жисизилайверар, Бу меҳмон қачондур қайтиб кетади.

Тоза ҳислар билан қилман бир арз, Сиздан бир илтимос Жаноби Меҳмон. Келинг, шу тўрингиз бермай ўзгага, Бўлиб қолаверинг шу ўйга Мезbon.

УШАЛМИШ ОРЗУСИ БОБУРМИРЗОНИНГ

Жангу жадалларда улгайган ўғлон.

Жангу жадаллардан ошиди кўп довон

Макон бўлмии унга кўхна Ҳиндистон.

Армони ўқумиди Бобурмирзонинг

Орзуси кўп эди Бобурмирзонинг.

Ўзга макон асло Ватан бўлолмас,

Шоҳ бўлса-да юртдан кўнгил узолмас.

Ҳатто ўтироқлардан назар сололмас,

Армони ўқумиди Бобурмирзонинг?!?

Орзуси кўп эди Бобурмирзонинг.

Ёв илкода қолмии Ҳонзодабегим,

Тақдир зарбасига бардош бериб жисим,

Бобурга мададкор бўла олур ким,

Армони ўқумиди Бобурмирзонинг?!?

Орзуси кўп эди Бобурмирзонинг.

Мусоғир юртларда чекиб кўп алам

Юрт мадҳида адо бўлди минг қалам

“Жоним садқа сенга Ҳумоюн болам”

Армони ўқумиди Бобурмирзонинг

Орзуси кўп эди Бобурмирзонинг.

Қайда бор азизлар армониз дунё,

Орзулар бешикаст бўлгувчи рўё,

Армонли юракка ёзилгай зиё,

Армони ўқумиди Бобурмирзонинг?

Орзуси кўп эди Бобурмирзонинг!

Жаннатмакон бўлмии буғун Андижон,

Жаҳонда сарбаланд ҳур Ўзбекистон!

Қай томон ўйл олсан ўйлимиз рабон,

Ушалмии орзуси Бобурмирзонинг

Рӯҳлари шод буғун Бобурмирзонинг.

Садоқат ЭРМАТОВА, Институт девонхона бўлими мудири

Феруза РАҲМАТОВА

Кино, телевидение ва радио санъати факультети “Кино ва телевидение режиссёrlиги” ўйналиши З-босқич таълабаси



Шунчалар зиқнаман, қандайин савдо?

Сизни қиззоганаман пар ёстиқлардан.

Кўргани кўзим ўйқ рашиким келтирган

Ўчимни олайми ўриндиқлардан?!?

Ҳар недан гумонда қилавергум рашик
Ўзгага тушмасму бир нигоҳинги.

Ғазабим қўзаган аслида сизни

Мендан тортиб олган бўйинбогингиз.

Ҳа, балки шунчалар қиззоганиқдурман,
Фақат тоқ бўлмасин тоқатларингиз.
Мен қандай жим турдай билагингизни.
Қўчоқлаб турганда соатларингиз?!

Шунчалар зиқнаман, қандайин савдо?!